

Рўйхатга олинди
№ _____
« _____ » _____ 2007 й.

ТАСДИҚЛАЙМАН
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирининг биринчи
ўринбосари
_____ А.Парпиев
« _____ » _____ 2007 й.

НАМУНАВИЙ ДАСТУР

«WEB - дастурлаш» фани бўйича

5521900 - «Информатика ва ахборот технологиялари (Иқтисодиёт)»
бакалавриат йўналиши талабалари учун

Умумий ўқув соати – 130

Умумий аудитория машғулоти соати – 84

Умумий мустақил таълим соати – 46

Давлат аттестацияси -

Тошкент – 2007 й.

Фаннинг намунавий дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг «___»_____2007 й. ___сон мажлисида муҳокама этилган ва маъқулланган “Информатика ва ахборот технологиялари (Иқтисодиёт)” таълим йўналиши учун ДТС ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Фаннинг намунавий дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар: Доцент Закирова Т.А. _____

Катта ўқитувчи Ибрагимова Л.Т. _____

Фаннинг намунавий дастури “Ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ” билим соҳаси ўқув-методик бирлашмасида «___» _____2007 й. кўриб чиқилди ва тавсия қилинди.

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг _____ сон қайдномаси билан тасдиққа тавсия этилди.

КИРИШ

Бугун компьютер технологиялари дунёсидаги жадаллик билан ривожланаётган соҳалардан бирига айланиб бормоқда. Компьютерлар аста-секин инсонлар ҳаётига кириб бормоқда. Уларсиз интернет глобал тармоғини, интеллектуал ишчининг иш жойини компьютернинг ажралмас бир қисмига айланиб бораётганлигини тасаввур қилиш қийин. Компьютер технологиялари инсон ҳаёти тарзида, кичик ва катта корхоналарда, компанияларда, ўқув даргоҳларида, давлат муассасаларида бехисоб аҳамият касб этмоқда.

Хозирги вақтда ҳар бир ташкилот қайси соҳада иш олиб бормасин ўзини бутун дунёга кўз-кўз қилиш учун интернетда ўз ўрнини яратиш ва ўзининг хужалик фаолиятида интернетдан фойдаланиш зарурлигини хис қилмоқда.

Интернетда ахборотни жойлаштириш учун унинг экрандаги кўриниши қулай бўлишига, яъни Web-саҳифасига эътибор бериш зарур, чунки саҳифадаги фойдаланувчи ахборот ҳар томонлама бўлиши мумкин ва у Web-сайтга жойлаштирилади. Ақл билан яратилган сайт, қоида бўйича, информацион ягона бус-бутун бўлиши ва жойлаштирилган ахборотнинг аҳамиятига қараб маълум стандартга эга бўлиши керак.

Юқорида келтирилганлардан Web-сайтни яратиш ва уни лойихалаш жараёнларини ўрганиб чиқиш муаммоларининг кундалик зарурлиги ва долзарблилиги келиб чиқмоқда. Бу курс Интернетда ишлаш бўйича маълум билим ва тажрибага эга бўлган талабалар учун мўлжалланган.

“Web-дастурлаш” курсининг мақсади Web-саҳифани куриш мисолида амалий дастурлаштиришнинг назарий асосларини ва тамойилларини, уларнинг функционал ва структуравий ташкил этилишини, махсус дастурлаштириш тилларини ишлатган ўолда динамик Web-саҳифаларни яратишнинг усулларини ва услубиятларини ўқитишдан иборат.

Ўқитишнинг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат:

- талабаларда Web-технология ва HTML тиллари тўғрисидаги базовий билимларни шакллантириш;
- талабаларни Web-саҳифа яратиш ва лойихалаш бўйича билимлар билан таъминлаш;
- Microsoft Front Page муҳаррири билан ишлаш ва Интернетда Web-саҳифа яратишда Word муҳаррири имкониятларидан фойдаланишда амалий тажрибаларни ўрганиш.

“Web-дастурлаш” курсини ўрганиш натижасида талабалар Интернетда ахборотни жойлаштириш учун унинг компьютерда тасвирланиши ва кўриниши қулай бўлиши, Web-саҳифа дизайнига эътибор бериш, саҳифадаги фойдаланувчи керакли ахборотга ҳар томонлама ёндошиши ва бу ахборотни Web-сайтга жойлаштирилиши ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак.

“Web-дастурлаш” фанини ўқитишда энг замонавий илғор ахборот ва компьютер технологияси, тармоқлари ва тизимлари, мультимедиа воситалари ҳамда Интернет саҳифаларидан ва хизматларидан фойдаланиш режалаштирилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фанга кириш.

Компьютерлаштиришни ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларни жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонуний ҳужжатлари. Интернет глобал тармоғининг хизматлари ривожланиш ҳолати ва келажаги. Интернетда ахборотларни ифодалаш. WWW бутун дунё ўргимчак тўри ва уни иқтисодиётда қўлланилиш хусусиятлари.

Web-саҳифаларни яратиш ва ўрганиш муоммоларини актуаллаштириш. “Web-дастурлаш” курсининг предмети, мазмуни, асосий мақсади ва вазифалари.

Word Wide Web (WWW) нинг ташкил этиш тамойиллари.

Word Wide Web WWWнинг ривожланиш тарихи. WWWнинг асосий ташкил этувчилари. Интернет глобал тармоғи. Интернет глобал тармоғининг асосий протоколлари. Интернет тармоғи протоколлари тўғрисида тасаввур. Word Wide Web нинг асосий таркибий элементлари. Гипертекстли ва гипермедиа мурожаатлари. “Клиент-сервер” архитектураси ва Web-браузерлар.

Web- сайт ишлаб чиқилгунча ечилиши зарур бўлган асосий саволлар.

Web-сайтларнинг асосий лойихалаш принциплари: Web-сайтлар тадқиқ этиш, фойдаланувчиларга мўлжал олиш, фойдаланувчиларни қувватлаб туриш, вақти билан текшириб чиқилган услубларни ишлатиш, жамоа бўлиб ишлаш, ортқчаликни йўқлиги ва кузатишларининг асосий босқичлари. Web – сайт дизайн ива навигациясини текшириш.

Гиперматн белгилаш тили HTML тўғрисида умумий тушунча.

Hyper Text Markup Language (HTML) белгилаш тили тўғрисида умумий маълумотлар. HTML нинг асосий қоидалари. HTML белгилаш тилининг версияларининг стандартизацияси. HTML асосий теглари, атрибутлари, ва баъзи элементлари. HTML ҳужжатнинг умумий структураси. Ҳужжат танасининг контейнерлари. Контейнер теглар, тегларнинг параметрлари ва атрибутлари. Жуфт ва ёлғиз теглар. <HEAD> HTML ҳужжатининг кириш ва бош қисмини белгиловчи тег. <BODY> асосий матн ва ахборотни белгиловчи тег. <ADDRESS> ахборотларни асосий блокдан ажратиб олувчи тег. HTML тилида фон ва рангларни танлаш. Горизонтал чизиқлар <HR> орқали ҳужжатларни қисм Web-ларга ажратиш. Янги сатрни ва янги абзацни белгиловчи теглар.

Гиперматн белгилаш HTML тилининг гипермурожаатлари.

Гиперматн ҳужжатларни, гипермурожаатларни яратиш. Гиперматн ҳужжат, гипералоқа. Гипералоқа тегининг формати. Гиперматнли алоқанинг калит сўзи. Якорь теги, ёпувчи якорь теги. Гипералоқанинг матн ва график кўрсаткичлари. Абсолют ва нисбий кўрсаткичлар. «Якордан» фойдаланиб ҳужжатнинг керакли қисмига ўтиш. Мундарижали саҳифани яратиш. Гипербоғланиш матн рангини бошқарувчи калит сўзлар. Web-сайтларга мурожаат. Сайт бўлимларига мурожаат. Электрон почта манзилига мурожаат.

HTML тилида графикадан фойдаланиш.

HTML тилининг график имкониятларидан фойдаланиш. Web – саҳифанинг номатн элементлари: график тасвирлар, овозлар, видеофильмлар ва кўшимча элементлар. График файллар форматлари. GIF, JPEG график форматларининг хусусиятлари. График тасвирларни Web-саҳифага жойлаштирувчи якка теги ва унинг атрибутлари. Расмлар эни ва баландлигини пикселларда беришга имкон берувчи WIDTH ва HEIGHT теги атрибутлари. Web-саҳифанинг график объектлари турлари. Web-саҳифада график элементларни кўшиш.

HTML белгилаш тилида рўйхатлар ва жадвалларни ҳосил қилиш.

Номерланган ва маркерланган рўйхатлар. Маркерланган рўйхатни яратиш учун контейнер теглар . График рўйхат маркерлари. Номерланган рўйхатларни яратувчи контейнер теглар . Аниқлаш ва тахланган рўйхатлар. HTML тилида жадваллар билан ишлаш. Жадвал ичидаги маълумотларни форматлаш. Бир нечта сатр ва устунларга тақсимланувчи ячейкалар жадвали. Жадвалдаги қатор ва устунларни гурухлаштириш. Жадвалларни чегара ва чизиклар билан белгилаш. Web –саҳифаларни жадваллар асосида жихозлаш.

HTML белгилаш тилининг махсус имкониятлари.

Web – саҳифаларни фреймлар ёрдамида яратиш. HTML тилида фреймлар. Фреймларни қўллаш соҳалари. Фрейм структураси таърифининг хусусиятлари. Фреймларни таърифлаш теглар ва уларнинг параметрлари. “Ўзгарувчан” фреймлар. HTML хужжатда формалардан фойдаланиш. Форманинг асосий аҳамияти. <FORM> тегининг параметрлари ва атрибутлари. Форманинг асосий элементлари: матн панеллари, рўйхатлар ва бошқалар. Формаларни бошқариш. Форманинг структураси ва CGI (Common Gateway Interface).

MS Front Page ёрдамида Web-сайтларни яратиш.

Microsoft Front Page билан танишиш ва унинг аҳамияти, Front Page нинг стандарт дарчалари. Иш режимлари. Front Page нинг асосий инструментал воситалари. Front Page томонидан ташкил қилинадиган матнли, график жихозлашнинг имкониятлари. Web – саҳифани жихозлашда графикадан фойдаланиш. Web- саҳифаларида аудио-видеоклипларни жойлаштириш, Front Page нинг мультимедиа имкониятлари. Front Page Server Extensions орқали сайтни босиб чиқариш.

Web- узелни яратиш асослари.

Web - узел тўғрисида умумий тушунча. Web-узел структурасини лойихалаш принциплари. Web-узел стандарт лойихалашнинг усули. Web – узелни ташкил этишнинг каскад усули. Web – узел ташкил қилишнинг ўргимчак инисимон структураси. Microsoft Front Page мастерлари ва шаблонлари ёрдамида Web-узелни яратиш. Web – саҳифани кенгайтириш технологияси. Web-узелнинг яратиш таснифи. Web-узелнинг қувватлаш тизими.

Web саҳифасини Word матн таҳрирлагичи ёрдамида яратиш.

HTML инструментлари тўғрисида умумий тушунча. Internet Assistant дастурий воситалари ва инструментлари. Word муҳитида Web - саҳифа яратиш. Янги саҳифа яратишда шаблондан фойдаланиш. Web- саҳифа мастери ёрдамида янги саҳифа яратиш. Саҳифа ва шрифт кўринишининг фони ва ранги билан ишлаш. Жадвал ва рўйхатлар билан ишлаш. Мультимедиа элементларини ўрнатиш.

Web- саҳифани дастурлашнинг асосий тиллари.

Объект-мўлжалли технология асослари. Java Script сценарийларининг яратиш тиллари. Java Script ни ишга тушириш ва уни HTML – дастурда жойлаштириш. Маълумотлар хиллари, ўзгарувчилар, литерлар ва ифодалар. Java Script дастурий тили операторлари. Цикл, шартли ва комментарийларнинг операторлари. Java Script, HTML объектларининг функциялари, массивлари ва ўрнатилган синфлари. Хусусиятлар, усуллар, воқеалар. Visual Basic Script (VBS cript) сценарийнинг яратиш тиллари. Macromedia Dream weaver дастурий тил ёрдамида Web-саҳифани яратиш асослари.

Интернет серверида Web - сайтни жойлаштириш.

Сервернинг иш механизми. Сервер администрацияси. Серверда Web-конструкторга мўлжалланган жойни қайд этиш. Интерактив формалар ёрдамида файлларни серверга узатиш. Web-сайт саҳифасини таҳрирлаш ва структурасини ўзгартириш. CGI-сервисларни қўшиб қўйиш. Давлат стётчиклари. Мехмонлар китобчаси. Қидирувчи серверларда Web-сайтни қайд қилиш. Web (Web Publishing Wizard) нашр этувчининг ишлатилиши. Тармоқда хавфсизлик. Web- сервер ишлаб туриш механизми ва унинг администрацияси.

АМАЛИЙ, СЕМИНАР, ТАЖРИБА МАШҒУЛОТЛАРИ УЧУН КЎРСАТМА ВА ТАВСИЯЛАР

Амалий ва тажриба машғулотлари янги педогогик технологияларнинг “Ақлий хужум” усули, “Пингбод”, “Инсерт”, “Кластер”, “Балиқ скелети” каби техникаси ва ҳолатли масалалар ёрдамида ёритилади. Бу усуллар талабаларга мавзуларни ўзлаштиришга, гуруҳларда фаол иштирок этишга ва мустақил фикрлаш қобилиятини такомиллаштиришга ёрдам беради. Гуруҳларга бўлиб, бериладиган савол ва слайдлар Excel, Power Point компьютер дастурида тайёрланади. Билимларни эгаллаш ва олинган кўникмалар даражаси жорий, оралиқ ва якуний назоратлар бўйича олинган баллар асосида аниқланади.

ЧИЗМА-ҲИСОБ, КУРС ИШИ ВА ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР

Ўқув режасида чизма-ҳисоб ва курс ишлари кўзда тутилмаган.

АСОСИЙ ДАРСЛИКЛАР ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАР РЎЙХАТИ

1. Орлов Л.В. Web - сайт без секретов. 2-е изд. М.: ЗАО “Новый издательский дом”, 2004.-512 стр.
2. А. Матросов, А. Сергеев, М. Чаунин. HTML 4.0. СПб. «БХВ-Петербург», 2003. - 671 стр.
3. Кришномурти Б., Рексфорд Дж. Web – протоколы. Теория и практика. – М.: ЗАО “Издательство БИНОМ”, 2002. – 592 стр
4. Дротов В.А. JAVA SCRIPT в Web – дизайне. СПб. «БХВ-Петербург», 2002.- 880 стр.
5. Шапошников И. Web сайт своими руками. СПб “БХВ - Петербург”, 2000, 224с.